

Динингизга нуқсон етса махзун бўлинг!



14:06 / 18.01.2023 2110

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Уҳуд ғазотидан қайтптилар. Отларининг тизгини Саъд ибн Муоз розияллоҳу анҳунинг қўлида. Узоқдан бир аёл кўринди. Булар томон шошилиб кела бошлади. Шунда Саъд розияллоҳу анҳу деди:

- Эй Аллоҳнинг Расули! Бу киши онам!

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам тўхтаб дедилар:

- Марҳабо!

Жангда аёлнинг яна бир ўғли Амр ибн Муоз шаҳид бўлган эди. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам унга шаҳид бўлган ўғли учун таъзия билдирдилар, кўнглини олишга уриндилар. Шунда аёл деди:

- Эй Аллоҳнинг Расули! Сиз омон экансиз, бошқа мусибатлар бизга ҳеч нарса эмас!

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам саҳобалар учун дин эдилар. Улар учун

модомики, дини саломат экан, бошқа мусибатлар арзимас туюлар эди.
Динимиз бизнинг гўштимиз ва суягимиздир. Бошқаси маҳзун бўлишимизга арзимади.

Динингизга нуқсон етса маҳзун бўлинг, ақидангизга халал етса хафа бўлинг. Ибодатингиз камайиб қолса ўксининг. Аллоҳга бўлган ишончингиз камайиб шакка тушсангиз ташвиш қилинг. Унга бўлган таваккулингиз озайиб, ўрнини ваҳн эгалласа қўрқинг!

Қолган ташвишлар ўткинчи. Сабр қилинса иншааллоҳ натижаси жаннатдир!

Абдулқодир Полвонов